



# ЕШ ЛЕНИНЧИ

Ассалому алайкум,  
азиз муштарий!

1991 йил

4 январь  
Жума

№ 2 (13.688)

Баҳоси  
Обуначиларга 6 тайин  
Соҳага 10 тайин

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛ-ЕШЛАРИНИНГ РЎЗНОМАСИ

Биринчи саҳифага мактуб

## Томошабинсиз Томошалар

Яқинда А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат академик Катта театрида «Алишер Навоий» операсини тинглаб, томоша қилдим. Спектакль учун тайёрланган безаклар шу даражада чиройли ва жозибалики, ўзининг гўё баҳор чоғи тоғ ёнбағридаги кўркям боғда сайр қилаётгандек ҳис қиласан, унинг устига халқ куйлари билан йўрилган лирик оҳанг сеҳрлаб қўйгандай борлиқни унутиб ҳоҳи улуг Алишер билан бирга бахтли бўласан, ҳоҳида эса унга қўшиқчи замона зайлидан дол дегинг келади.

Минг афсуски, бу қувонч ва бахтли онлар узоққа чўзилмайди. Танаффус пайтида бўм-бўш театрга нигоҳинг тушиши билан яна қалбингни ғам-ҳасрат эғаллайди. Мен кирган кунни оммавий саҳналарда қатнашган актёрлар сони томошабинлардан кўпроқ кўринди. Нима учун бу ерда одам кам? Шу ҳақда ўйлаб қолдим. Олти минг томошабин сиғадиган В. И. Ленин номидаги санъат саройи доимо гажум, кирвернида ортиқча билет сўраб турганлар ҳам кам эмас, лекин жумҳуриятимизнинг буюк даҳо Алишер Навоий номидаги театр бўм-бўш, бунга нима сабаб? Ҳали кирвернида қўнғилма гулгула тушган эди, спектаклнинг премьераси-ку, нега кирувчилар сони кам ёки мен вақтидан эртароқ келдимми, деб? Йўқ, вақтида келган эканман. Ичкарига кириб шуни сездимки, кечки Тошкент кўчалари театрга кўра яхшироқ ёритилган, бино аллақачон таъмирлаш талаб, ғиламлар устидаги чанг ойлаб тозаланмаган, дилни хира қилади. Ҳатто кўзгуларга қараб бўлмайди, зиналар, қаватлар ёритилмаган. Танаффус вақтида бир пилла чой ёки газли сув бўлса ҳам таклиф қиладиган жой йўқ, саҳнага, бошқа жойларга осланган пардалар ранги ўчиб кетган. Тўлиқ бўлмаган, бу таърифни санъат саройи билан солиштириб кўрсангиз, нима учун санъат саройи одамга тўлиг-у, Навоий театрида одам йўқлигини тушуниш қийин эмас.

Иккинчи сабаб шундаки, санъат саройида эълонлар ва рекламаларга яхши эътибор беришди, Навоий театри эълонларини онда-сонда ўқийсан, киши. Тошкентнинг бошқа театрларига ҳам шу хил камчилик ҳосил. Шу сабабли ҳаммасида томошабин муаммоси кундаланг бўлиб турибди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари даврида ҳар бир киши ёки ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотини

сотиш учун бозор танлашга ва харидор учун курашишга мажбур бўлади. Худди шундай театрлар ҳам, санъаткорлар ҳам томошабин учун курашиши керак. Бунинг учун санъаткорлар халқ ичига юриш қилиши лозим, жонларини койитиши, иссиқ жойларини ташлаб Ҳамзанинг сайёр труппаси каби хўжаликларга, завод ва фабрикаларга, олий ва ўрта ўқув юрталарига боришлари, учрашувлар ўтказишлари, ўз санъатларини намойиш этишлари, янги асарлардан парчалар кўрсатиб театрларга кишиларни жалб этишлари, эълонлар, реклама ва афишаларни ранг-баранг қилиб чиқаришлари керак.

Тошкент катта, икки миллион аҳолига эга бўлган шаҳардир. Бу ерда театрларнинг томошабинлари сонини оширишнинг яна бир имконияти бор. Худди Москва, Ленинград ва бошқа марказий шаҳарлардаги каби одамлар гажум бўладиган майдонлар, метро бекатлари, ишлаб чиқариш комбинатлари, олий ўқув юрталари ва бошқа жойларда ҳамма театрлар учун хизмат қиладиган билет кассалари очилсин керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, «Союзпечать» дўконларининг ҳаммасини йўқотиб, рўзномалар сотишни фақат «Союзпечать» идорасида ташкил этилганда нима бўлар эди? Халқ ўқиши керак бўлган рўзнома ва ойнамалар тоғ-тоғ қороз уюмига айланар эди, холос. Худди шундай. Ҳар бир театрнинг билети ҳозир ўз кассасида сотилади. Тошкентга келган меҳмон ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам бироз бўш вақт топганда театрга боришни ўйласа ҳам айна пайтда қаерга боришни, қайси театр қаерда жойлашганини, кассасида ҳозир билет борми-йўқлигини билмайди. Тошкентлик киши уйда телевизор кўриб, чой ичиб ҳордиқ чиқарар, аммо бу ерга ҳар кун келадиган 10 минглаб, 100 минглаб кишилар-чи? Тошкентга келиб етган кунлик 5 вокзалда, тайёрагоҳда ёки автостанцияда жойлашган театр кассасига кўзи тушса эди, ўз вақтининг ҳисоб-китобини қилиб «худди киоскдан рўзнома харид қилгани» каби театрга билет оларди. Бу эса кишиларнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашлари ҳам ердан берарди. Шунинг учун бу масалани жумҳурият Театр арбоблари жамияти ва Маданияти вазири ўйлаб кўрсалар ҳар тарафлама фойдадан ҳоли бўлмас.

Бобоқул ЖУРАЕВ,  
СамДД физика қуллиётининг доценти.

## Миллийликка не етсин!

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши тарихимизда туб маънавий бурилиш бўлди.

Қонуннинг 24-моддасида жумҳуриятимиз шаҳарлари, қишлоқлари, кўчалари ва бошқа жўғрофий ўринларининг номлари ягона миллий шаклда берилиб, жумҳурият давлат тилида ёзилиши кераклиги ўқтирилган. Қонуннинг бу муҳим моддаси бугунги кунда Хоразм вилоятида қандай амалга оширилмоқда? Қонун қабул қилинганга бир йил тўлган бўлса ҳам уни амалга оширувчи масъул кишиларнинг анча қисми ҳали ҳам «уйғонмадилар». Ёки уларни уйғотиш учун ҳам қонун қабул қилиш керакдир.

Маълумки, Амударёнинг ҳар иккала қирғида асрлар давомида ота-боболаримиз деҳқончилик, овчилик, чорвадорлик билан кун кечирганлар. Ана шу жойларнинг ўз қадимий номлари бор. Бундан бир неча йил бурун халқ билан кенгашилмасдан Шарлавуқ пристани Дружба шаҳрига айлантирилди. Номдан ҳам кўриниб турибдики — замонавий шаҳар. Унинг кўчалари ҳам «замонавий» — Шолохов, Маяковский, Некрасов, Суворов, Ленинград...

Севишли рўзномамизда тарихий номларни тиклаш тўғрисида кўп ёзилди. Шунга асосан мен ҳам ўз таклифларимни киритмоқчиман. Тарихдан маълумки, Амударё қирғоқлари халқимизнинг афсонавий қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди қадами теккан улуг манзилгоҳлар ҳисобланади. Шунинг ҳисобга олиб, Дружба шаҳри номи Жалолиддин Мангуберди номи билан атасак қандай бўлади?

Шаҳримиз худуди Ҳазорасп ноҳияси жамоа ва давлат хўжаликларига улашиб кетади: Ленин ва Гагарин номи давлат хўжаликлари, «Октябрь», «Ленинград», «Коммунизм», «Партия XXII съезда», Фрунзе ва Карл Маркс номи жамоа хўжаликлари. Агар Қонунимизни миллий қомусимиз ва орномусимиз деб биладиган бўлсак, юқоридagi жой номларини миллий шаклда атасак тўғри бўлмайди? Миллийликка не етсин.

Қодирберган НУРМАТОВ,  
Хоразм вилояти, Дружба шаҳар,  
В. И. Ленин номи 4-ўрта мактаб ўқитувчиси.



Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунлари давом этмоқда. Айни кунларда пойтахтимизнинг Ленин номидаги майдонига ўрнатилган улкан арча атрофи ҳам боғлар билан гажум. Бу ерда кичкинтойлар Қорбобо ва Қорқиз, севишли эртак қаҳрамонлари билан учрашадилар, қиш завқидан баҳраманд бўладилар.

Майдондаги турли ўйингоҳлар ҳам улар ихтиёрига бериб қўйилган. Пойтахт ноҳиялари мутасаддилари эса ўқувчиларга атаб совғалар уюштиришган.

Биз Ленин ноҳиясидаги 154-мактабдаги, — деб ўзини таърифлади бошланғич синф муаллими Муқаддас Ақромова. — Таътил кунларини қўнғил ўтказишга ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда 1-синф ўқувчиларидан бир гуруҳини бу ерга олиб келдик. Яна таътил кунларида театр, киноларга ташриф буюрамиз. Мактабда бошланғич синф ўқувчилари иштирокида беллашув ўтказамиз. Циркка тушиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Хуллас, болалар зерикиб қолмайди.

СУРАТЛАРДА: пойтахтнинг Ленин номи майдонига қад ростлаган улкан арча атрофидаги тантаналардан лавҳалар.

Суратнаш Мухаммад АМИН



Қишки таътил



### Ишқибозлар ён дафтари

Тошкентнинг «Прахтор» романи ишқибозлари қувончли хабарини гувоҳи бўлдилар.

Жумҳурият Давлат спорт қўмитасининг қарори билан бу жамоа устозларига фахрий унвонлар берилди. Команда бошлиғи Б. Абдураимов, бош тренер Ф. Новиков, педагогика фаълари номзоди, ўқув-масъуларнинг илмий асосида олиб борилиши учун жавоб берувчи А. Толибжонов Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган тренерлар бўлишди.

Биринчи лигага чиқишга муваффақ бўлган Наманганнинг «Навбахор» номандаси ҳам тақдирланди. Команда бошлиғи А. Сулаймоновга Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган тренер унвони берилди.

### Сиртдан ўқийман десангиз

Халқлар Дўстлиги нишондори Тошкент қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳи жумҳуриятимиздаги йилги олий ўқув юрталаридан биридир. Шу кунларда олий билимгоҳимизнинг сиртки бўлимига талабалikka қабул қилиш кизгин бормоқда. Қабул шу йилнинг 15 январига давом этади. Имтиҳонлар эса 15 январдан 30 январга ўтказилган.

Бу йилги қабул қондалари аввалгиларидан фарқ қилмаган қолда унга баъзи қўшимчалар киритилди. Эндилкида хўжаликлар, корхоналар, вазириликлар кадрларга бўлган ўз эҳтиёжларини ҳисоблаб чиқиб, муайян ўқув юрталари ёки халқ таълим вазирилик билан шартнома тузидилар. Шартномага асосан ҳар бир тайёрланган мутахассис учун хўжалик ёки вазирилик олий билимгоҳга 1500 сўм миқдорда пул ўтказилади.

Шу қандаги мувофиқ иқинчи мутахассислик олувчи шахслар техника ва махсус билим юрталарини битказиб, ўз соҳаси бўйича ишлаётган ва бир йилдан кўпроқ меҳнат стажига эга бўлган кишилар кирим имтиҳонларига суҳбат асосида қабул қилинади.

лар киритиш мумкин. Зарур бўлганда қўшимча фанлар, хусусан, амалий ва мустақил машғуллар қўлайтирилади. Мақсадимиз халқ хўжалигига малакали мутахассислар тайёрлаб беришдир.

Эргаш ҲАЙИТБОВ,  
олий билимгоҳ сиртки бўлими қабул комиссиясининг масъул котиби, катта ўқитувчи.



СУРАТДА: [челпан ўнган] лаборант Шахло Абубакирова ва комиссия масъул котиби ўринбосари Ботир Худойберган, абитуриент А. Ҳасанбоевдан зарур ҳужжатларни қабул қилишмоқда.

Х. МИРЗАҚАРИМОВ сурати.

### 1991 йил: йўлқира

Бу жумбоқ кўпчилик ҳам-юртларимизни ўйлантираётганига шубҳасиз. Уларга жавоб олиш мақсадида бир неча ташкилотга мурожаат қилдик.

Сингд Урта Осиё таъмирйул бошқармаси йўловчи таъмир хизмати бошқаруви ўринбосари Нурқодим Нейматовни ФАЙЗУЛЛАЕВ:

— 1991 йилдан бошлаб биз олаётган материаллар ҳамда йилги нарх-навоси 100 фоизга қимматлашди. Бироқ шунга қарамай йўловчи поездалари йўлқира-ши ошгани йўқ. Аммо шу йилнинг ўзидеёқ йўлқира ҳам 50 фоизга ошиш кутилмоқда. Бу тўғрисида таъбирланган хўжмат ССЖИ ҳукуматига тақдим этилган. Хозирча биздаги йилқира ана шу.

ларини метрода ташинишга кетадиган ортиқча сарф-харажатларини Тошкент шаҳар икромуми ўз зиммасига олди. Қолаверса, бу жумҳуриятимиз Президентининг меҳнатқилар манфаати йўлидаги гажумхўрлигининг яна бир намойишидир.

ДАРВОҚЕ.

Ҳозирга келиб Тошкент метрода 21 та бекат бекам-хўст ишлаб турибди. 1991 йилда улар қаторига яна иккита — Тинчлик ва Боруний бекатлари қўпилиши кўзда тутилмоқда.

Сувонқул РУСТАМ ёзиб олди.

### Салом, чақалок!

Ҳўш, ҳар йили пойтахт Тошкент шаҳри аҳолиси қанчага қўлайиб боради? Кимдир ўн минг деса, яна кимдир 20 минг дейди. Бошқалар эса яна ҳам бошқачароқ рақамларни тилга олишади.

Ҳақиқатда-чи!

— Этан 1990 йилда шаҳримиз аҳолиси қарийб 42 минг кишига қўлайди, — дейди Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг йўриқчиси Ким Мава Мухаммадиева, — эгизан чақалоклар туғилишида шаҳримиздаги 3-туғруқхона энг юқори натижага эришди. Бу ерда йил давомида ўндай ортиқ эгизан дунёга келди.


### «Спорт» рўзномасини ўқидингизми?

«Спорт» рўзномасини ўқидингизми? Балки бировлар ажабланилар: «Яна янги рўзномами? Қайси биринчи ўқишни билмай қолдик-ку. Бир ақда нархи қақадди...» Йўқ, ҳайратланманг, бу ўша салкам 60 йил мобайнида евал ўрсича, кейин шу тилдан айлан ўзирилган нухаси «Ўзбекистон физкультурасининг янги номиди. Энг муҳими, ҳеч қандай таркизмларсиз, мустақил, ўз она тилимизда унинг илк сони кеча чоп этилди. Тўғри, ҳали бу дастлабки қолда. Анча-мунча камчиликлар бўлиши табиий. Булар ўқиниши. Асосийси, санқилигига жамоа аъзолари ўзбекистонлик спорт мулкисларининг қўлига ширин умидлар билан айў олдилар. Бу қолда кўптуғ бўлгуси...»

«Спорт»нинг кечаги сони қақда рўзномамиз ўқувчиларига батафсил маълумот беришга шошилмайлик. Майли, шундай бўлсада, саҳифаларини беэаб турган айрим мақолалар хусусида икки калма сўз: рўзнома муҳаррири, «Еш ленинчининг суноқли, меҳнатқил собиқ бўлим мудири Сафар Остониинг куюнқилик билан битган юрак сўзлари ҳар қандай дилни ўртади. Жумҳуриятимиз спортни, унинг келажоги учун ҳайеуришига чорлайди.

### «Еш ленинчи» рўйхатдан ўтди

Ўзбекистон ССЖ Давлат матбуот қўмитасида жумҳурият даврий матбуотини рўйхатга олиш маросими бўлиб ўтганлиги ҳақидаги хабарини кўпгина рўзномаларда ўқиган бўлсангиз керак. «Еш ленинчи» рўзномасига 000015 сон билан рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома берилди.



Биз бугун ана шу гувоҳноманинг асл нухасини эълон қилар эканмиз, жумҳурият ширинининг рўзномаси бундан кейин ҳам йилгити ва қишларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қиладиган, уларни халқимизнинг бебаҳо кадриятлари заминда тарбиялайдиган, энг янги дуст ва маслаҳатгўйи бўлиб қолмиш учун ҳаранат қиладим, деб нишонтираемиз.

### Кичкинтойлар учун — бепул

ДУШАНБЕ шаҳар Кенгаши икки йилга етмаган фарзанди бўлган кўп болани ва калбоғал оилаларни озиқ-овқат билан бепул таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди; Бу мақсадлар учун шаҳар бюджетидан қарийб ярим миллион сўм пул ажратилди. Бундан ташқари шаҳарда иктисодлаштирилган дўконлар тармоғи вуқудга келтирилмоқда. Еш душанбеликларнинг ота-оналари Бу дўконлардан гўшт, балик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини олишлари мумкин бўлади.



Ташвишли кунлар

1991 йилнинг кириб келиши кувонч билан бирга олам жаҳон ташвиш ҳам келтирди...

дан кўшиларини олиб чиқиб кетишни шарт қилиб кўйган 15 январь эса тобора ақинашмоқда.

Рейтер агентлиги эса Самолди пойтахт кўчаларида шиддатли жанглар бўлаётганини тўғрисида хабар бериб...

ва ССЖИ президентлари телефон орқали суҳбатлашди, бир-бирларини ва халқларини янги йил билан кутладилар...

Хулно малика Дианани севиб қоладими?

Шу кунларда фолбиллар ва мунажжимларнинг «кунги туққан» Рождество ва Янги йил тантаналари кишиларни шунчалик гангитиб қўйдики...

Stand Up, Stand Out.



«Вақтин Кўдротмасдан Ватан озодлиги учун Амриқо армиясига хизмат қилишга кел» Ушбуга ўхшаган шпорлар бугун Амриқо матбуотида кўриш мумкин...

1 апрелдан бошлаб енгил бўлади ТАНИҚЛИ ХИНД МУНАЖЖИМИ «КОМСОМОЛКА» ВА УНИНГ МУШТАРИЙЛАРИ ТАҚДИРИ ҲАҚИДА БАШОРАТ ҚИЛАДИ

Кўҳна Деҳлининг торгина оёсини кўчас янги йил арасида оқдотга кунлар қараганда анча гажув бўлди...

Унинг ўз усули бор. Жаноб Жоши ота-бобосидан қолган азалий мунажжим. Бу насб минжолари томондан унинг фарзалари яхши ҳақ тўланади...

Мейн Тейсон 1992 йилда яна жаҳон чемпиони бўлди. Бу йил эса унга соғлиғи ҳақинда бериши...

Мен ССЖИ халқ депутатларининг IV Съезидан олдин, шунингдек, Съездеда жуда муҳим муҳокама қилинган бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман...

Муносабат

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

ЕКИ ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДА «КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» РЎЗНОМАСИ САҲИФАЛАРИДА КЎТАРИЛГАН БИР МАСАЛА ХУСУСИДА

Урта Осиёдаги энг қадимий халқ мустақил лшай олмайдми, деб ҳақ қилиш мумкин...

Ҳақиқий вазиятни а ётайти, ёхуд бўзиб кўрсатган, Урта Осиё жумҳуриятлари, жуалдан, Ўзбекистонини энг қолоқ, мута федерация субъектлари даяётганларга бу лўнда ва энг жавоб ақл киритиб қўйиши керакдир...

Мамлакатимиз халқлари бирлиги, янгиша шўро федерациясини севлаб қолиш зарурлигини қўлаб-қуватлай туриб, мен агар Иттифоқ тарқатилган бўлса, фақат Кавказоти ва Урта Осиё жумҳуриятлари юзёзишларига ҳақ қўшилмайман!

Уш ва Ушгаданги фожиа қалбимизни ларвага солди. Бу бизнинг умий гамимиз. Халқи тегишли ташкилотлар ҳаммасини тағита етишадди. Ҳақиқий айдорлар топилади...

Аммо ундаги кўп фактлар муваффақиятисиз имкониятларимизни пинсад қилмаслигиндан бошқа нарса эмас.

Тўғри муносабатда бўлса, ермииз ҳали ҳам бизни боқа олади. Айниқса, халқимиз ҳам жуда меҳнаткаш бўлганини ҳисобга олганда...

Ишлаб чиқариш умуман мамлакатда тушиб кетганига қарамай, жумҳуриятимиз саноти ва кишлқоқ хўжалигида юксалди.

Умуман, жумҳуриятимиз Иттифоқ ҳазинасига қўшаётган улуш ҳам кам эмас. Фақат 1988 йилда олиб чиқиб кетилган пахтанинг ўзи жаҳон нархиға ўғрилса, 2,3 миллиард доллар бўлади.

Умуман, жумҳуриятимиз Иттифоқ ҳазинасига қўшаётган улуш ҳам кам эмас. Фақат 1988 йилда олиб чиқиб кетилган пахтанинг ўзи жаҳон нархиға ўғрилса, 2,3 миллиард доллар бўлади.

Кўриб турибсан-ки, А. Лапиннинг «бир миллат иккинчисининг ўстадан диктатура ўрнатилиши мумкин» деган гаплари гирт ўйдирмадир. Жумҳуриятларда қабул қилинган тил тўғрисидаги қонуларни қоралаш ҳам имсофдан эмас.

А. Лапин «Комсомольская правда» да чиққан бу масалага оид бошқа мақолаларини ўқиб турса оид бўлмасди. Мен Урта Осиё ва Қозғистон мусулмонларининг диний бошқармаси бошлиғи, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Ҳусоф билан бўлган музоқабани назарда тутаяман.

Мен мақоланинг баъзи бир жойларига тўхталиб ўтдим, холос. Яна бир марта айтман: биз янгилаган шўро жумҳуриятлари иттифонини севлаб қолиш тарафдоримиз. Бироқ бу роқни турли-туман ёлғон-лиқи билан гўндиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Уш ва Ушгаданги фожиа қалбимизни ларвага солди. Бу бизнинг умий гамимиз. Халқи тегишли ташкилотлар ҳаммасини тағита етишадди. Ҳақиқий айдорлар топилади...

Бизнинг мусохаба

«МУЧАЛИМИЗ—ҚҶЙ» СУҲБАТДОШЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ЖАВОБ БЕРИШДИ

Portrait and text for Juraхon Saidikromova, muallima. She discusses her work and the challenges of the profession.

Portrait and text for Ibroxim Zufarov, komсомол ходими. He shares his experiences in the Komsomol organization.

Portrait and text for Azizxon Tiljakhjaev, tolib. He talks about his role as a religious leader and the state of the community.

Portrait and text for Muzaффар Imomov, ўқувчи. He discusses his studies and the importance of education.

Advertisement for 'RANG-BARANG O'LAM' featuring a portrait of a man and text about the store's offerings and location.



